НОШИР ЛЮКС
МАЖБУРИЙ НУСХА

Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 25-fevral, seshanba, 25 (23.305)-son

Кун ҳикмати

Тўй – миллий қадрият кўзгуси, бу ойнага бир қараб қўйишни унутманг

Сайёр қабул

Вилоят ҳокими Эркинжон Турдимовнинг аҳоли учун навбатдаги сайёр қабули Булунғур туманида ўтказилди. Қабул давомида фуқаролардан 250 га яқин турли мазмундаги мурожаатлар тушди.

Булунғурда нега мурожаат кам бўлди?

Масалан, Оқтош маҳалласи фаоли Қаҳрамон Исмоилов Шўрбедана қишлоғига кирувчи 6 километр йўлнинг ўта таъмирталаб бўлиб қолгани, Лалмикор маҳалласи раиси Раимқул Ғаффоров олис қишлоқ аҳолиси саломатлигини сақлаш учун «Ғўбдин» қишлоқ врачлик пунктига битта тез тиббий ёрдам машинаси ажратилиши ва маҳалла идораси учун иморат қурилиши, Олтибароқ қишлоғида яшовчи Эшимқул Аъзамқулов трансформатор «Достонбек Нажмиддинов чорваси» фермер хўжалигига тегишли эканлиги боис электр энергиясида узилиш бўлаётгани, мавжуд 40 дан зиёд симёғоч яроқсиз ҳолда экани ҳақида мурожаат қилишди.

Кўтарилган муаммоларнинг аксарияти жойида ҳал этилди, айримларига тегишли масъуллар томонидан қонуний тушунтиришлар, ҳал этилиши керак бўлган ишларни бажариш учун мутасаддиларга кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Энди сарлавҳадаги саволга жавоб изласак. Дарҳақиқат, Булунғурда бошқа туманлардагига нисбатан мурожаат кам бўлди. Бунинг **биринчи сабаби,** бизнинг назаримизда, кейинги пайтда вилоят ҳокими аҳоли билан юзма-юз гаплашиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш учун тез-тез сайёр қабул ташкил этаётганидадир.

Иккинчидан, бу галги сайёр қабулда асосан Булунғур тумани аҳолиси ўз муаммолари билан мурожаат қилди. Аслида ҳам сайёр қабул қаерда ташкил этилса, аввало шу туман аҳолиси учун ўтказилади. Бироқ бошқа туман ёки шаҳар аҳолиси ҳам сайёр қабул ўтаётган жойга бориб, дардини айтади. Ваҳоланки, ҳоким ҳеч бир ҳудудни эътибордан четда қолдираётгани йўқ. Аксинча, хоҳ яқин, хоҳ узоқ бўлсин, барча туман ва шаҳарларда навбати билан сайёр қабул ташкил этмоқда.

Учинчидан, бу ҳолат Булунғур туман ҳокимлигида, корхона-ташкилот, муассасаларда фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тизимли йўлга қўйилгани самараси, дейиш мумкин. Шунинг учун одамлар асосан туманда ҳал этилиши қийин бўлган муаммолар юзасидангина вилоят ҳокимига мурожаат қилишди.

Дарвоқе, мурожаатларнинг 200 га яқини аввалгилардан фарқли равишда шахсий масала эмас, қишлоқ, маҳалла, ҳудуд ёки жамоа манфаатини кўзлаган мавзуларда бўлди. Бу ҳам аҳолининг сайёр қабул нега ўтказилиши, унинг моҳияти нимадалигини англаётганидан далолат.

Сайёр қабул якунида вилоят ҳокимининг раҳбарлар олдига қўйган вазифаси ва хулосаси ҳам шу жиҳатга яқин бўлди.

- Одамларимизнинг электр энергияси таъминотини яхшилаш, ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви тармоғи тортиш, тадбиркорлик фаолияти учун шароит яратиш, кредит ажратиш ҳақидаги мурожаатлари, таклифлари замирида меҳнат қилиш, қўшимча даромад топиш ва албатта яхши яшаш мақсади ётибди, - деди Э.Турдимов. - Ахир қишлоқда чироқ бўлмаса, ичимлик суви таъминотида муаммо бўлса, йўллардан техника тугул одам юра олмаса, бундай жойда тадбиркорлик қилиб бўладими? Шунинг учун ҳар бир раҳбар, ҳар бир мутасадди идора ходими фуқароларга тадбиркорлик қилиш учун энг оддий, аммо энг зарур инфратузилмани яратиб беришга, уларни қўллаб-қувватлашга масъул эканини унутмаслиги керак.

Акрам БЎРИЕВ.

Янги марказ, янгича шароит

Иштихон туманидаги давлат хизматлари маркази учун бунёд этилган янги бино фойдаланишга топширилди.

Давлат-хусусий шериклик асосида қурилган мазкур бино энг замонавий ахборот технологиялари воситалари билан жиҳозланган.

- Марказимиз шу пайтга қадар 3 хонали тор, кўримсиз бинода фаолият кўрсатиб келар эди, - дейди марказ раҳбари Жамшид Умаров. - Энди бизга мурожаат қилувчиларга кенг ва ёруғ, шинам хоналарда хизмат кўрсатилади. Зал бўйлаб ўрнатилган белгилар давлат хизмати кўрсатилиши учун қадамма-қадам йўналтиради. Бинога кираверишда фуқаролар электрон навбат олиши учун инфокиоск ишлаб турибди. Мониторлар орқали мурожаатчи навбати келгани ҳақида хабардор қилиниб, қайси қабул ойнасига ўтиш кераклиги кўрсатилади.

Фуқароларга янада қулайлик яратиш мақсадида бу ерда болалар ўйин бурчаги, давлат божини тўлаш учун махсус касса, бепул Wi-Fi хизмати ташкил этилган.

Янги бинода адлия ва ФҲДЁ бўлимлари, нотариус ва Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси жойлашган. Марказ бир вақтнинг ўзида 25 та қабул ойнасида мурожаатчиларга хизмат кўрсатади.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

Ургутлик депутат қандай янгиликка қўл урди?

59-Кенагас сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати Элёр Ҳамраев Украч маҳалласидаги сайловчилар билан учрашиб, ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар юзасидан уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади.

- Аслида муаммосиз жамиятнинг ўзи йўқ, - дейди Э.Ҳамраев. – Ҳамма гап уни қандай ҳал қилишда, амалга оширилган иш халққа, жамоатчиликка қандай қулайлик яратишида. Шу боис, биз сайловчилар билан жойлардаги оғриқли, одамларни ўйлантираётган масалалар юзасидан фикрлашиб олдик. Ўз навбатида уларнинг ечими юзасидан ҳам турли таклифлар билдирилди.

Депутат маҳаллада қабул кунлари тўғрисида пешлавҳалар ҳамда сайловчилар учун мурожаатлар қутисини ташкил қилди.

Бекзод МУСУРМОНОВ.

Дастур ижроси бажарилдими?

Бино қурилди, аммо...

қурувчи пулини ололмаяпти

"Обод қишлоқ" дастури асосида 2019 йилда вилоятимизнинг 14 туманидаги 42 та қишлоқда ичимлик суви, ижтимоий соҳа, ички йўллар, транспорт, газ таъминоти билан боғлиқ тизимлар ишини яхшилаш белгиланган эди.

Жумладан, Паст Дарғом туманидаги Беклар, Гўзалкент ва Эски Жума қишлоқларида аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш ҳамда шу асосда аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш бўйича иш олиб борилди.

- Дастур асосида қишлоқлардаги 1304 та якка тартибдаги хонадон таъмирланди, 6 та сув иншоотини қуриш ва мукаммал таъмирлаш, 8 километрдан ортиқ янги тармоқ тортиш ишлари олиб борилди, - дейди туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бош мутахассиси Бобошер Ҳасанов. – 11 та трансформатор таъмирланди, 350 та таянч устунлар янгиланди, 23 километрдан ортиқ йўлга асфальт ва тош тўшалди, 200 дан зиёд газ баллони тарқатилди. Шунингдек, кўп тармоқли диагностика маркази қурилмоқда, шифокорлар уйи янгидан қурилди, 2 тадан мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари мукаммал таъмирланди.

2-саҳифа »»

Давлат хизматига ишга кириш

очиқ танлов асосида амалга оширилади

Мамлакатимиз раҳбарининг 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Мазкур агентлик давлат органлари ва ташкилотларида ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул орган этиб белгиланди.

Бугунги кунда юртимизда тахминан 123 минг нафарга яқин давлат хизматчиси бор. Улар орасидан касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматларини одилона ва объектив баҳолаш асосида энг муносиб ва қобилиятли шахсларни давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш ҳамда уларнинг хизмат поғоналари бўйича кўтарилишини назарда тутувчи меритократия (муносиблар ҳокимияти) тамойилини қўллаш асосида танлаб олиш юқоридаги фармонда белгилаб берилган. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда кадрларнинг давлат фуқаролик хизматига кириб келиши учун янги инновацион, осон ҳамда шаффоф йўллар тақдим этилмоқда.

Жумладан, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан мазкур вазифанинг ижросини таъминлаш мақсадида жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидаги тажрибаларни ўрганиб, ҳозирда очиқ мустақил танлов орқали давлат фуқаролик хизматидаги бўш лавозимлар муносиб номзодлар томонидан эгалланиши учун "Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ портали" (https://vacancy.argos.uz/) ишлаб чиқилиб, тест режимида жойлаштирилди.

Яқин кунларда расман ишга туширилиши режалаштирилган ушбу порталда давлат фуқаролик хизматидаги бўш лавозимларга қизиқиш билдирган ҳар бир жисмоний шахс мазкур танловда иштирок этиши мумкин бўлади.

Энг асосийси, фармонда очиқ мустақил танлов асосида давлат фуқаролик хизматига қабул қилинадиган шахслар Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва тегишли равишда унинг филиаллари билан келишмасдан туриб лавозимдан озод қилиниши мумкин эмаслиги қатъий белгилаб берилган.

Шунингдек, фармонга кўра, давлат органлари ва ташкилотлари кадрлар бўлинмаларининг раҳбарлари Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва тегишли равишда уларнинг филиаллари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

Нега бундай талаб қўйилди? Сабаби, давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар бўлинмалари раҳбарлари кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизматининг замонавий тамойилларини жорий этишда энг муҳим бўғин ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам уларнинг лавозимга тайинланиши ва лавозимдан озод этилиши масаласи агентлик томонидан қатъий назоратга олинган.

Давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар бўлинмалари раҳбарлари эндиликда техник ишларни амалга оширадиган ходим эмас, балки Инсон ресурсини бошқаришда (Human Resource Management) ташкилот раҳбарига маслаҳатчи бўлмоғи даркор.

Юқорида қайд этилган фармоннинг 11-бандида барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари давлат фуқаролик хизматчиларининг меҳнат ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш ҳолатларига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини обрўсизлантирадиган бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилган.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига эса мазкур банд талабларига сўзсиз риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш ва ушбу талабларнинг бузилишига йўл қўядиган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш бўйича таклифлар киритиш ваколати берилган.

Бу каби ваколатларнинг берилиши давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга муносиб шарт-шароит яратиш, шунингдек давлат фуқаролик хизматини обрўсизлантирадиган бошқа хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишда асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Бугун кун талаби - инсон капиталига асосий эътибор қаратиш, ёш, салоҳиятли, билимли ва интилувчан кадрларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг хизмат поғоналарида кўтарилишини таъминлашдир.

Албатта, бу каби ҳаракатларнинг барчаси юртимиз аҳолисининг давлат идоралари ва давлат хизматчисига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, давлат фуқаролик хизматидаги бўш лавозимларга очиқлик ва ошкоралик тамойилларига асосланган ҳолда чиндан ҳам илмли, маърифатли ва тажрибали кадрларнинг келишини таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Чунки илм ва маърифатли, юксак тажриба ва салоҳиятга эга кадрлар давлатимизнинг барқарор ривожи учун чинакам камарбаста бўла олади.

Дилмурод САЪДУЛЛАЕВ,
Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги вилоят филиали раҳбари.

Мўйноқда СамДУ штаби ва кутубхонаси

ташкил этилди

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабида Самарқанд давлат университети ўқув хонаси ва кутубхонаси ташкил этилди.

Мактабга университет томонидан замонавий компьютер жамланмаси, 150 дан ортиқ китоблар, талабалар томонидан ишланган амалий ва тасвирий санъат намуналари, университет ҳаёти билан таништирувчи рисолалар, эсдалик совғалар топширилди. Иқтидорли талабалар эса мактаб ўқувчилари ўртасида китобхонликни тарғиб этиш мақсадида тадбир ўтказди.

Университетдаги ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчилари ҳамда бир гуруҳ фаол талабалар Орол денгизининг қуриган ҳудудида ўрмон барпо этиш жараёнларида ҳам қатнашди.

Д.ДЎСТМУРОДОВ.

Бектош Раҳимовга эҳтиром

Нарпай туманидаги Очил Қодиров номли маҳаллада Бектош Раҳимовнинг бюсти ўрнатилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда вилоят фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари, Б.Раҳимовнинг Иккинчи жаҳон урушидаги қуролдош дўстлари ва ҳамқишлоқлари иштирок этди.

Бектош Раҳимов давлат ва жамоат арбоби сифатида юртимиз тарихида ўзининг муносиб ўрнига эга шахс. У собиқ иттифоқ даврида Хоразм, Андижон ва Самарқанд вилоятларига раҳбарлик қилган. Фидокорона меҳнатлари натижасида "Меҳнат қаҳрамони" ордени билан тақдирланган.

Унинг ўзи туғилиб ўсган маҳаллада ўрнатилган бюсти нарпайлик ҳайкалтарош Умурзоқ Шарипов томонидан ишланган.

Тоҳир НОРҚУЛОВ.

Бино қурилди, аммо...

қурувчи пулини ололмаяпти

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

"Обод қишлоқ" дастурига киритилган Беклар маҳалласида 3800 дан ортиқ аҳоли, 715 та хонадон бор. Аҳолининг аксарияти томорқачилик ва чорвачилик билан шуғулланади.

- Дастур асосида қишлоғимиздаги 2,3 километр ички йўл бетонлаштирилди, 5,2 километрга тош ётқизилди, янги сув иншооти қурилиб, 5,8 километр янги тармоқ тортилди, - дейди Беклар маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғулом Умбаров. – 2,2 километр ҳаво линияси тортилди, янги трансформатор, 30 та бетон устун, 40 та тунги ёриткич ўрнатилди. Ҳомийлик маблағлари ҳисобидан 430 та хонадон таъмирланди. Шунингдек, ҳомийлар ва тадбиркорлар маблағи ҳисобидан фитнес клуб, савдо шохобчаси, чойхона, маҳалла биноси, ишлаб чиқариш цехи, сартарошхона, новвойхона, мини стадион, этикдўзлик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахоналари қурилди. Маҳалламиздаги мактаб учун 120 ўринли қўшимча бино, спорт зал бунёд этилди. 56-мактабгача таълим ташкилоти ҳамда 6 минг аҳолига хизмат кўрсатадиган икки қаватли шифохона қурилиши ишлари давом этмоқда.

Оиласида 5 киши истиқомат қилаётган Саломат Холбекова шу маҳалладаги кам даромадли оилалардан ҳисобланади. Оилада эшитишда нуқсони бор набираси ва ногирон ўғлини даволатаётган онахоннинг пенсиясидан бошқа даромад йўқлиги туфайли уй-жойни таъмирлашга ҳам имкони бўлмаётганди. Туман ҳокимлигининг ҳомийлиги билан бу хонадоннинг ҳовлиси таъмирланди, газ баллони берилди.

- Ёшим 86 да, ҳалигача қишлоғимизда бундай ободончиликни кўрганим йўқ, - дейди Ғофур Худоёров. – Аввал йўлларимиз лой ва кечалари қоронғу эди, қиш кунлари қишлоқ йўлларидан юришга қийналардик. Ҳозир эса кўчалар соз, тунлари ёруғ, хонадонлар таъмирланган, оилалар фаровон, қишлоқнинг шаҳардан деярли фарқи йўқ.

МАСЪУЛЛАР ҚАНДАЙ ФИКРДА?

Вилоят молия бош бошқармаси маълумотларига кўра, 2019 йил "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларига киритилган қишлоқлардаги ижтимоий соҳа муассасалари учун 2020 йил 1 январь ҳолатига режага нисбатан 52 фоиз молиялаштирилган.

Дастур доирасида бажариладиган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бўйича талаб этиладиган маблағлар шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган.

Шунга мувофиқ, туман маҳаллий бюджетининг даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми туман ҳокимликлари ихтиёрида қолдирилаётганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил учун Давлат бюджети тўғрисида"ги қонунига асосан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан маблағ ажратиш бўйича вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг таклифларига асосан халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашлари қарорлари асосида маблағ ажратилиб берилади.

ҚУРУВЧИ ҚАЧОН ПУЛИНИ ОЛАДИ?

"Уста меъмор капитал таъмир" масъулияти чекланган жамияти "Обод қишлоқ" дастури асосида туманнинг Беклар маҳалласидаги Мирзо Улуғбек шифокорлар уйини қуриш учун тендерда ғолиб чиққан.

- 2019 йил 20 апрелда тендерда ғолиб бўлдик ва май ойида қурилиш ишлари бошланди, - дейди жамият иш юритувчиси Бекзод Қаршиев. – Йигирма нафар ишчи билан бино учун режалаштирилган ишнинг 85 фоиздан ортиғи бажардик, ҳозирда сантехника ва сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда, ҳавонинг совуқлиги туфайли бетон ишларини тўхтатиб турибмиз. Қурилиш учун тендерда кўрсатилган 1 миллиард 130 миллион сўм маблағдан ҳозиргача 150 миллион сўм олдик, яна 980 миллион сўм маблағимиз сақлаб турилибди. Бино учун қурилиш материаллари олиш, ишчиларнинг маоши учун ўз маблағимиз, олдиндан олинган 150 миллион сўм ва "Туронбанк" вилоят филиалидан 500 миллион сўм кредит олиб ишлатдик, аммо ҳалигача қурилиш учун ажратиладиган маблағнинг асосий қисмини олганимиз йўқ.

ҲАР ЙИЛНИНГ ЎЗ ТОШ-ТОРОЗИСИ БОР

Нега бу иборани қўллаяпмиз. Чунки мавзуни ўрганиш давомида шу саволга кўп марта дуч келдик. Давлатимиз раҳбарининг қарорларига асосан ҳар йили вилоятимизда 50 га яқин аҳоли пунктининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасида дастурлар ишлаб чиқилади. Маблағ эса асосан маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилади. Агар режалаштирилган маблағ вақтида молиялаштирилмасдан етишмовчилик йилдан-йилга ўтиб кетаверса, кейинги дастурга киритиладиган қишлоқлар ободлиги йўлидаги ишларнинг ҳисоб-китоби қандай бўлади? Ҳар бир ишни пухта ҳисоблаб, маблағни режали тақсимлай олмасак, бошқа режалар ҳам йилдан-йилга ўтиб кетаверади.

Ўктам ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Зарафшон" мухбири.

Бугуннинг юмушлари

Ғалланинг ривожи қандай, ғаллакор?

Табиат уйғонмоқда. Айни кунларда кузда экилган ғалла майсалари баравж ривожланмоқда. Деҳқонларимиз эса ғалла майдонларида баҳорги биринчи озиқлантириш ва шарбат усулида суғориш ишларини бошлаб юборишди.

Аммо тўпланган маълумотларга кўра, бошоқли дон экинларининг айрим ҳудудларда кеч экилгани ва вақтида суғорилмаганлиги боис вилоятимиз бўйича 8 минг гектар майдондаги ғалла туплаш фазасига кирмаган. Республикамиз бўйича ғалла парваришида шу каби камчиликлар бўлгани боис Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги вазирликлари, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзагроинспекция" агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳисобига кафолатланган ҳосил олишни таъминлаш, ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ғаллакорларимизга мурожаатнома эълон қилди.

Унда аввало, ривождан ортда қолган майдонларда ғалланинг ҳолатидан келиб чиқиб контурлар учун ишлаб чиқилган "йўл харитаси"да белгиланган агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш;

Иккинчидан, ғалла майдонларини гектарига 200 килограмдан азотли минерал ўғитлар билан биринчи озиқлантириш ва орадан 15-20 кун ўтгач, гектарига 300 килограмдан иккинчи озиқлантириш, шарбат усулида суғориш;

Учинчидан, бу йилги баҳор серёғин келиши кутилмоқда. Бу эса занг касаллиги билан бирга зарарли ҳашаротлар ва бегона ўтларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Шуларни ҳисобга олиб, март ойида кимёвий препаратлар билан биринчи ишлов беришни штангали пуркагичлар ёрдамида амалга ошириш;

Тўртинчидан, миришкор деҳқонларимиз, тажрибали ғаллакорларимиз ҳосилдорликни кўпайтириш ва тупроқ унумдорлигини ошириш учун гектарига 5-6 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариб, ғаллани шарбат усулида суғориш ва чорва моллари пайҳонидан сақлаш чораларини кўриш;

Бешинчидан, ғаллани яхши ривожланиши учун март ойида қўшимча бир марта ва мавсум давомида камида уч марта баргидан озиқлантириш ишларини амалга ошириш;

Олтинчидан, ғалла ўрим-йиғимида қатнашадиган дон ўриш комбайнларини таъмирлаш ишларини якунлаб, **1 апрелга қадар** тайёрлов чизиғига қўйиш лозимлиги белгиланди.

Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси.

БУ - ФАКТ

Паррандачиликни ривожлантириш дастури асосида 2017 йилда **22** та, 2018 йилда **20** та ва 2019 йилда **42** та лойиҳа ишга туширилди. Натижада вилоятимизда паррандa бош сони **13,9** миллионга етди ва 2017 йилга нисбатан (2017 йил **11,2** миллион, 2018 йил **13** миллион ва 2019 йил **13,9** миллион бош) **2,7** миллион бошга ошди.

ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ.

Каттақўрғон тумани ҳокимлиги судга Д.Р.га нисбатан ўзбошимчалик билан қурилган қурилишларни мажбурий тартибда бузиб ташлаш ва ер майдонидан чиқариш ҳамда ерни туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига қайтариш тўғрисида даъво ариза билан мурожаат қилди.

Фуқаро ўзининг ИМОРАТИНИ

нега ўз ҳисобидан бузди?

Унда туман «Ермулккадастр» давлат корхонаси тегишли мутахассислар томонидан мониторинг ўтказилганида тумандаги Алижон қишлоғида яшовчи фуқаро Д.Р. Бўстон массиви ҳудудидан ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда 0,16 гектар ер майдонини эгаллаб олиб, 0,03 гектар ер майдонига уй-жой қуриб, фойдаланиб келаётганлиги аниқланиб, далолатнома тузилганлиги билдирилган.

Д.Р. томонидан тақдим этилган ҳужжатларга кўра, ушбу ер майдони унга Янгиқўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғининг 1999 йил 7 январдаги қарори асосида берилган. Лекин у судга ер майдони ўлчаб берилганлиги тўғрисидаги далолатномани тақдим этолмади.

Туман ҳокимлигига кўра, Д.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 февралдаги "Аҳоли пунктларини комплекс қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари қатъий бажарилишини назорат қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига зид ҳаракатлар содир этган. Шу боис, ноқонуний қурилган уй-жойни бузиришни, жавобгар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонини туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига қайтариб, ер майдонидан мажбурий тартибда чиқаришни сўраган.

Фуқаролик кодексининг 212-моддасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган ҳисобланади.

Ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташлаш белгиланган.

Бундан ташқари, Ер кодексига кўра, ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан, ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Суд қонун талаблари ҳамда иш ҳолатлари асосида Каттақўрғон тумани ҳокимлигининг даъво талабларини қаноатлантиришни лозим деб топди.

Албатта, фуқаронинг шикоятига асосан иш кассация тартибида фуқаролик ишлари бўйича вилоят судида кўриб чиқилди.

Унда қонун талаблари ва иш ҳолатидан келиб чиқиб, Д.Р. ҳеч бир ҳужжатсиз 0,16 гектар ер майдонини эгаллаб олганлиги ва ноқонуний фойдаланиб келганлиги ҳамда ўзбошимчалик билан уй-жой қурганлиги, мазкур ер майдонига жавобгарнинг бирор-бир ҳужжати йўқлиги боис биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

Бугунги кунда суднинг ҳал қилув қарори тўлиқ ижро этилиб, ноқонуний эгалланган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтарилди.

К.НАМОЗОВ, фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро суди раиси.

Токзорда уй-жой қурганлар иши судга ўтказилди

Улар давлатга 1 миллиард сўмдан кўпроқ зарар етказган

"Ўзагроинспекция"нинг вилоят бошқармаси томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш юзасидан январь ойида ўтказилган назорат тадбирларида 11 ҳолатда 1,24 гектар қишлоқ хўжалиги ерларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани аниқланган.

Жумладан, Ургут тумани "Жартепа" агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган "Якубов Мирзабек" фермер хўжалигига тегишли 1,24 гектар узумзорда бир нечта фуқаро томонидан қонунга зид равишда уй-жой қуриб олинган.

Бу ҳаракати билан фуқаролар давлатга 1 миллиард 295 миллион 213 минг сўм миқдорида зарар етказган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан айбдор шахсларга нисбатан белгиланган тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилиб, кўриб чиқиш учун туман маъмурий судига юборилди.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ўзбошимчалик билан фойдаланган 10 нафар фуқарога нисбатан фуқаролик ишлари бўйича Тойлоқ туманлараро судига даъво аризалари киритилди.

"Ўзагроинспекция"нинг вилоят бошқармаси ахборот хизмати.

КОРХОНА, ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали 2019-2020 ўқув йили битирувчиларини йўлланма асосида ишга тақсимлашга киришилганлигини маълум қилади. Замонавий ахборот коммуникацион технологиялар соҳасида етарли билим ва кўникмаларга эга бўлган, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ва рақобатлаша оладиган ёш мутахассисларга эҳтиёжи бўлган барча корхона, ташкилотлар ва таълим муассасалари, ТАТУ Самарқанд филиали директори номига талабнома хати билан мурожаат қилишлари мумкин. Корхонанинг мутасадди шахслари битирувчи талабалар билан учрашув ўтказишлари ҳамда тақсимот маросимларида иштирок этишлари учун барча шароитлар яратилиб берилади.

Сизнинг эътиборингизга қуйидаги йўналишлар бўйича ёш мутахассислар ҳақидаги маълумотни тақдим этамиз:

Т/р	Таълим йўналишлари: Шифри	Таълим йўналишлари: Номи	Битирувчилар сони	Шу жумладан, қизлар	Шу жумладан: Грант	Шу жумладан, қизлар	Шу жумладан: Шартнома	Шу жумладан, қизлар	Ҳудудлар бўйича битирувчилар сони: Қорақалпоғистон Республикаси	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Шу жумладан, қизлар	Навоий вилояти	Самарқанд вилояти	Шу жумладан, қизлар	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Қашқадарё вилояти	Тошкент вилояти
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
		Бакалавриат																	
		ЖАМИ:	**333**	**48**	**98**	**15**	**235**	**33**	**1**	**4**	**24**	**2**	**3**	**281**	**46**	**9**	**2**	**7**	**2**
1	5350501	Компьютер инжиниринги («Компьютер инжиниринги», «АТ Сервис»)	170	24	48	6	122	18	0	2	15	2	1	138	22	5	1	6	2
2	5350600	Дастурий инжиниринг	41	2	15	1	26	1	0	1	6	0	0	30	2	3	1	0	0
3	5350400	Ахборот коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими	21	15	10	7	11	8	0	0	0	0	0	21	15	0	0	0	0
4	5350101	Телекоммуникация технологиялари (телекоммуникация)	66	5	15	0	51	5	1	1	3	0	2	57	5	1	0	1	0
5	5330300	Ахборот хавфсизлиги	35	2	10	1	25	1	0	0	0	0	0	35	2	0	0	0	0
		Магистратура мутахассислиги бўйича																	
		ЖАМИ:	**11**	**1**	**2**	**0**	**9**	**1**	**0**	**0**	**2**	**0**	**0**	**8**	**1**	**1**	**0**	**0**	**0**
1	5А330501	Компьютер инжиниринги («Компьютер тизимларини лойиҳалаш»)	8	1	1	0	7	1	0	0	1	0	0	6	1	1	0	0	0
2	5А350101	Телекоммуникация инжиниринги (телерадиоэшиттириш)	3	0	1	0	2	0	0	0	1	0	0	2	0	0	0	0	0
		Филиал бўйича жами:	**344**	**49**	**100**	**15**	**244**	**34**	**1**	**4**	**26**	**2**	**3**	**289**	**47**	**10**	**2**	**7**	**2**

Бизнинг манзил: Самарқанд шаҳри Ибн Сино кўчаси, 2-уй. ТАТУ Самарқанд филиалининг буюртмаларни шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими. Телефон рақами: 66-232-16-62, e-mail: sf-mxb@inbox.uz

ФИЛИАЛ МАЪМУРИЯТИ.

МУТАХАССИСЛАР КЕРАКМИ?

Самарқанд давлат тиббиёт институтини 2019-2020 ўқув йили битирувчилари тўғрисида маълумот:

Т/р	Таълим йўналишлари: Шифри	Таълим йўналишлари: Номи	Битирувчиларнинг умумий сони	Шу жумладан: Грант	Шу жумладан: Шартнома	Бухоро вилояти: Грант	Бухоро вилояти: Шартнома	Жиззах вилояти: Грант	Жиззах вилояти: Шартнома	Қашқадарё вилояти: Грант	Қашқадарё вилояти: Шартнома	Қорақалпоғистон республикаси: Грант	Қорақалпоғистон республикаси: Шартнома	Навоий вилояти: Грант	Навоий вилояти: Шартнома	Наманган вилояти: Грант	Наманган вилояти: Шартнома	Самарқанд вилояти: Грант	Самарқанд вилояти: Шартнома	Сирдарё вилояти: Грант	Сирдарё вилояти: Шартнома	Сурхондарё вилояти: Грант	Сурхондарё вилояти: Шартнома	Тошкент шаҳри: Грант	Тошкент шаҳри: Шартнома	Фарғона вилояти: Грант	Фарғона вилояти: Шартнома	Хоразм вилояти: Грант	Хоразм вилояти: Шартнома
		БАКАЛАВРИАТ																											
1	5510100	Даволаш иши	228	45	184		1	3	17	2	20			5	6	1		27	109	1	5	5	20		2		1	1	2
2	5510200	Педиатрия иши	146	39	107			5	7	3	11			1	5			24	71			5	12	1					1
3	5111003	Тиббий педагогика	56	9	47		1		4	1	4				4			7	30	1	1		2						1
4	5510400	Стоматология	87	14	73			1	3		6		1		1	1		11	54		1	1	4				2		1
5	5510700	Олий ҳамширалик иши	59	25	34			4		7	1				3			7	28			7					2		
		Жами	**576**	**132**	**444**		**2**	**13**	**31**	**13**	**42**		**1**	**6**	**19**	**2**		**76**	**292**	**2**	**7**	**18**	**38**	**1**	**2**		**5**	**1**	**5**
		МАГИСТРАТУРА																											
1	5А510101	Акушерлик ва гинекология	6	1	5				1				1					1	3										
2	5А510102	Эндокринология	2	1	1													1	1										
3	5А510103	Ички касалликлар - терапия	2		2														2										
4	5А510104	Оториноларингология	4	1	3													1	3										
5	5А510105	Кардиология	6	1	5													1	5										
6	5А510106	Офтальмология	4	1	3													1	3										
7	5А510108	Дерматовенерология	1	1														1											
8	5А510109	Неврология	3	1	2													1	1				1						
9	5А510110	Онкология	3	1	2													1	2										
10	5А510112	Умумий хирургия	6	1	5			1											5										
11	5А510113	Тиббий радиология	3	1	2													1	1										1
12	5А510114	Нейрохирургия	3	1	2														1			1	1						
13	5А510117	Урология	3	1	2						1							1	1										
14	5А510120	Анестезиология ва реаниматология	2	1	1													1	1										
15	5А510121	Травматология ва ортопедия	5	1	4														4	1									
16	5А510123	Суд тиббиёти экспертизаси	1	1														1											
17	5А510201	Педиатрия	5	1	4				1										3									1	
18	5А510202	Болалар хирургияси	3	1	2													1	2										
19	5А510205	Болалар неврологияси	6	1	5													1	4						1				
20	5А510206	Неонатология	2	1	1													1	1										
21	5А510401	Стоматология йўналишлари бўйича	6	1	5														5					1					
		Жами	**76**	**20**	**56**			**1**	**2**		**1**		**1**					**15**	**48**	**1**		**1**	**2**	**1**	**1**			**1**	**1**

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 18-уй. Телефон: 66-233-07-66, факс: 66-233-71-75, e-mail: samgmi@mail.ru

ИНСТИТУТ МАЪМУРИЯТИ.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ЭЪТИБОРИГА!

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ «ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ АҲОЛИМИЗНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ ВА ТИНЧЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари"га мувофиқ магистраль алоқа линияларининг муҳофаза ҳудудига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, **жумладан:**

КАЗИЛМАСИН КАБЕЛЬ

– рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш.

– магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш.

– магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларини кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш.

– турли хил қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш.

– магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза ҳудудида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳалқа қидирув ишларини олиб бориш.

– турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш.

– магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ.**

Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА амалга ошириши лозим.

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёки жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар улардан ундириб олинади.

Корхона, ташкилот ва аҳоли мурожаатлари учун енгиллик яратиш мақсадида 1133 қисқа рақам - «Мурожаат телефони» ишга тушганлигини, 1133 рақамига қўнғироқ қилиб, бизнинг вакилларимиз билан боғланишингиз мумкинлигини маълум қиламиз.

МАГИСТРАЛ АЛОҚА КАБЕЛИНИНГ МУҲОФАЗА МАСОФАСИ ҲУДУДИ
2 метр ← → 2 метр
ЕР ҚАЗИШ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАҚИҚЛАНАДИ
Манзил: _____ Телефон: _____

ЭСДА ТУТИНГ! Агарда сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга ўринманг ва бу масалада 1133 қисқа рақамига ёки "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий техник боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:

"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиали **4-техник боғламаси**, Булунғур шаҳри Самарқанд кўчаси, 18-уй. Телефонлар: 1133 қисқа рақами ёки 99-599-01-99, 599-99-00, 599-01-66.

Биринчи кабель участкаси, Булунғур шаҳри Самарқанд кўчаси. Телефонлар: 99-599-01-66, 66-240-08-34, (соат 8:00 - 17:00) 66-442-68-15, 240-08-33.

Иккинчи кабель участкаси, Каттақўрғон шаҳри Чағаноқ кўчаси. Телефонлар: 99-750-02-42, 66-455-24-54.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиали **10-техник боғламаси**, Навоий шаҳри Садоқат кўчаси, 2-"Б" уй. Телефонлар: 1133 қисқа рақами ёки 99-750-08-38, 95-603-07-38, 99-756-55-99, 93-539-55-99, 79-224-74-21.

Биринчи кабель участкаси, Ғиждувон шаҳри Ғовшон қишлоғи. Телефон: 95-603-33-25.

Иккинчи кабель участкаси, Учқудуқ шаҳри, ДЭУ қўрғони. Телефон: 99-750-02-42, 79-593-09-35.

Учинчи кабель участкаси, Нурота шаҳри Ш.Рашидов кўчаси, 32-уй. Телефон: 95-603-31-32.

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ ТРАНСПОРТ МАГИСТРАЛИ ТАРМОҚЛАРИНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ МАРКАЗИ ТЎРТИНЧИ ТЕХНИК БОҒЛАМАСИ.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳар ҳокимлигидан 2016 йил 26 мартда 88 реестр рақами билан рўйхатга олинган Самарқанд қишлоқ хўжалик институти қошидаги "Фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий маркази" давлат унитар корхонаси ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-уй.

Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 207238942.

* * *

Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Узаков Халмурзага (2019 йил 23 апрелда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

* * *

Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Сайфиев Музаффар Ражаповичга (2017 йил 15 февралда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси Алишер Навоий кўчаси.

* * *

Самарқанд шаҳар 14-сон давлат нотариал идорасида марҳум Акрамова Сожидага (2019 йил 18 январда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 14-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Суғдиёна маскани, 14-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Джаббаров Кахорга (1980 йил 13 июлда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Мирзабаев Тиляуга (2019 йил 20 декабрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

* * *

Самарқанд шаҳридаги «KOMIL ALISHER PRODUCTION» оилавий корхонаси (СТИР: 303796804) ўз ташкилий-ҳуқуқий шакли ва номини «AZIMJON ANSORJON BUILDING SERVICE» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартиради. «AZIMJON ANSORJON BUILDING SERVICE» масъулияти чекланган жамияти «KOMIL ALISHER PRODUCTION» оилавий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Зиёкорлар кўчаси, 1-йўлак, 2-«А» уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Иштихон туманидаги 54-ўрта мактабдан 1993 йилда Қараева Феруза Валиевна номига берилган ВУ № 281517 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд иқтисодиёт коллежидан 2014 йилда Набиев Ботир Ҳакимович номига берилган рўйхат рақами 5163, К № 3218113 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 45-ўрта мактабдан 1984 йилда Шарапов Равшан Ахмаджанович номига берилган Г № 368447 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Фуқаролар Ахмедов Маҳмуд Раҳматович ва Расулова Зулфия Ачиловналар ўртасида 2018 йил 1 мартда давлат рақами 30 Q 044 КА бўлган "Спарк" русумли автомашина учун тузилган, Самарқанд шаҳар 13-сон давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланиб, 2-586 рақам билан реестрга киритилган олди-сотди шартномасининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 42-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Мардонов Аҳлиддин Аслиддин ўғли номига берилган UM № 0135648 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат университетидан 2014 йилда Қаюмова Фарида Бахтиёровна номига берилган рўйхат рақами 1344, В № 762346 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Ургут туман филиалидан Ўроқов Алишер Ғолибжоновича қарашли Ургут шаҳри Камардон маҳалласи, Навоий шоҳкўчасида жойлашган савдо дўкони учун 2003 йил 29 январда берилган инвентаризация рақами 407 бўлган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги собиқ 26-ўрта мактабдан (ҳозирги 80-умумий ўрта таълим мактаби) 1990 йилда Муратов Аъзам Абдухакимович номига берилган Б № 656938 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

ТОПГАНГА МУКОФОТ!

Фуқаро Рахмонов Шохижахон Сидиқовичнинг фуқаролик паспорти (АА 1090293 20.03.2013 йилда Самарқанд шаҳар ИИБ томонидан берилган) Самарқанд шаҳри ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

Телефон: +99890-454-00-78.

Матбуот анжумани

Институтдаги шаффофлик

таълим сифатини яхшиламоқда

Самарқанд ветеринария медицинаси институти томонидан ишлаб чиқилган таълим кластерининг мамлакатда ҳозирча муқобили йўқ. Бу нима дегани ўзи? Ўтган йилларда институт маъмуриятидан норозилар нега кўпайди?

Вилоят матбуот уйида Самарқанд ветеринария медицинаси институти ректори бошчилигидаги жамоа иштирокида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжуманида шу каби долзарб масалалар хусусида сўз борди.

- Жуда кўп давлатларнинг таълим тизимини ўрганиб, бевосита ўша жараёнда иштирок этган киши сифатида айтишим мумкинки, бугун мамлакатда олиб борилаётган таълим ислоҳотлари натижадорлиги билан аҳамиятли, - дейди институт ректори Худойназар Юнусов. - Бугун ҳар бир олий таълим даргоҳини ўз имкониятлари ва йўналишидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш, такомиллаштириш бўйича лойиҳаларини амалиётга татбиқ этиш учун Президентимиз имконият яратиб берди. Шу имкониятдан фойдаланган ҳолда биз институтимиз кластер тизими лойиҳасини ишлаб чиқдик. Институтимиз бевосита чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа шу каби хўжаликлар билан айни пайтда 21 та шартнома имзолаган, илмий-амалий ҳамкорлик мақсадида юзлаб шартномаларимиз бор. Таълим кластерида нафақат талабалар ўқишни битирганидан кейин, балки институтга келишидан олдинги жараён, академик лицей, техникум ҳам қамраб олиниб, ўқув дастурлари институт билан ҳамкорликда тузилади. Мақсад битта – институтда шу соҳанинг ҳақиқий қизиқувчилари таҳсил олсин ва йилдан-йилга кўлами ошаётган турли йўналишлардаги хўжаликларни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшсин.

Анжуман давомида институтда кейинги йилларда нафақат талабалар, балки ўқитувчиларнинг билим, савияси доимий тегишли равишда, маълум қоидалар асосида баҳоланган айтилди. Бунинг натижаси кўпчиликнинг эътирозларига сабаб бўлгани ҳам бор гап. Мисол учун, ўтган йили 69 нафар битирувчи талабанинг давлат имтиҳонидан ўтказилмай қайтарилгани, 47 нафар ўқитувчи билан янги йил учун аниқ шартлар, яъни ўз устида изланиш ва рейтинг даражасини кўтариш вазифаси қўйилган ҳолда шартнома тузилгани шулар жумласидандир.

- Институтимизда йўлга қўйилаётган бундай шаффофлик, аниқ талаб, тўғрисини тан олиш керак, аввалига кўпчиликка маъқул келмади ва улар бундан норози бўлиб эътирозларини турли идораларга билдирди, - дейди институт проректори А.Даминов. – Ҳар бир иш қонуний асосда ташкил этилгани, муҳими, мақсад таълим сифатини яхшилаш, таҳсил олувчиларга самарали таълим ва ўқитувчилар ўз навбатида вазифасини сидқидилдан адо этишини ташкил этишдан иборат эди. Табиийки, қўл учида ишлашга ўрганганлар учун бу ёқмади. Соғлом муҳит юзага келгани учун илмий иш қилувчилар сони ошди. Ўтган йили 19 нафар ўқитувчи PhD даражасини, 3 нафари докторлик даражасидаги ишини ҳимоя қилди. Бу йил уларнинг сони янаям кўпроқ. 20 нафар талабанинг илмий мақолалари хориж журналларида чоп этилди.

- Биринчи навбатда талабаларнинг фикри эътиборга олинмоқда, - дейди институтнинг ёшлар билан ишлаш бўйича проректори А.Гаппаров. - Яқинда ўқитувчининг дарс бериши бўйича талабаларнинг эътирозлари туфайли икки гуруҳнинг ўқитувчилари ўзгарди. Уларнинг фикрини ўрганиш учун телеграм гуруҳлар ташкил этилди, аноним сўровлар доимий равишда ўтказиб борилади. Шу аноним сўровлар натижасида институтда коррупция ҳолати 70 фоизга камайгани аниқланди.

Анжуман давомида институтда шунингдек, ўтган ўқув йилида Беларусь Республикаси билан ҳамкорликда ташкил этилган факультет ва бошқа янгиликлар хусусида ҳам маълумотлар берилди.

Гулруҳ МЎМИНОВА.

Самарқанд олимлари

Тилшунос устоз

Филология фанлари доктори, профессор Неъмат Қаюмович билан Самарқанд давлат чет тиллар институтида бирга ишлаш бахти менга насиб қилди. Устозим профессор Бозорбой Ўринбоевдан кейин, иккинчи устозим Неъмат Турниёзовдан илмий-педагогик фаолиятимда катта тажриба орттирдим.

Умумий ва амалий тилшунослик кафедраси мудири сифатида устоз кўп нарсани ўргатди. Домла камтар, тақводор одам. Олим бўлма, одам бўл дейди, доно халқимиз. Неъмат Турниёзов том маънода ҳам олим, ҳам одам. У киши ҳамма билан бирдек самимий хушмуомалада бўлади. Иложи бўлса, қучоқ очиб кўришсам, дейди. Қанчалик ўзбекона фазилат. Француз, рус тиллари билимдони. Самарқанд дериватология мактабининг асосчиси. Монография, ўқув, ўқув-услубий ва илмий мақолаларининг сони 200 тадан ошиши унинг ғоят сермаҳсул олим эканлигидан далолатдир. Комил ишонч билан айтаманки, домланинг бу ишларини ўқиган ва мағзини чаққан ҳар қандай тилшунос уни ўзига устоз деб билади.

Ўзбек тилшунослигида Неъмат Турниёзов номи билан бевосита боғлиқ бўлган: деривация, дериват, операнд каби жуда кўплаб тушунчалар борлиги, тилшунослар оламида ҳеч кимга сир эмас. Домланинг илмий услуби ниҳоятда тиниқ, содда ва тушунарли тилда ёзилиши билан диққатга сазовор. Илмий услубга тегишли зеро, зотан каби кириш сўзларнинг ишлатилиши, айтилган назарий фикрлар ўқувчилар учун тушунарли бўлиши учун бадиий адабиётлардан олинадиган мисоллар домланинг ўзига хос бетакрорлигидан далолат беради. Муқаддас Ҳадису шарифларда "У дунё саодатини изласанг тоат-ибодат қил, бу дунё саодатини изласанг тижорат қил, икки дунё саодатини изласанг илм қил", дейилган сўзлар худди устозга айтилгандай.

Домла Самарқанд дериватология мактабига асос солиш баробарида, 20 дан ортиқ фан номзодлари, фан докторлари тайёрлади. Назарий, илмий консепцияларга бой, янги-янги монографик тадқиқотлар, илмий мақолалар домланинг теран фикрлари ҳосиласидир.

Домла яратган дериватология ҳозирги тилшуносликда деривация назариясидан сўз бирикмалари, гап, мураккаб синтактик қурилма ва матн каби нутқ бирликларининг шаклланиши муаммоларини ўрганишда кенг фойдаланилмоқда. Профессор Неъмат Турниёзов дериватологик тадқиқотларда истеъмолга киритилиши керак бўлган терминлар ва дериватология шуғулланиши лозим бўлган вазифаларни аниқ белгилаб берган.

Домланинг ўзи ва шогирдлари дериватология муаммолари устида ишлаб, бир неча монографик тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Мазкур ишлар ўзбек тилшунослиги фанининг узвий бир қисми сифатида фан тараққиётига хизмат қилиб келмоқда.

Турниёзовлар сулоласининг оила бошлиғи, филология фанлари доктори, профессор Неъмат Турниёзов уч ўғил, икки қизнинг отаси, 13 нафар неварани суюкли бобоси сифатида ибрат бўлиб келяпти. Турмуш ўртоғи филология фанлари номзоди, доцент К.Абдуллаева билан бирга фарзандларини ўз изларидан филолог қилиб етиштирдилар.

Ибратли фан намояндаси, азиз устозни муборак 80 ёш билан қутлаб, у кишига оилавий хотиржамлик, илмий фаолиятида муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.

Абдураҳим ТУРОБОВ, доцент.

Мулоҳаза учун мавзу

Оилавий боғчаларнинг ҲАМШИРАСИ борми?

Оилавий боғчалар бугун вилоятимизда энг кўп ташкил этилаётган мактабгача таълим ташкилоти шаклидир. Ташаббускор тадбиркорларга яратилган имконият ва имтиёзлар туфайли энг чекка ҳудудларда очилаётган оилавий боғчалар болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олишга хизмат қилмоқда.

Жумладан, Тойлоқ туманида ҳам 2019 йилда 77 та оилавий боғча очиш эвазига болаларнинг қамрови 1925 тага ошган. Бу, албатта, қувонарли. Хўш, ушбу боғчаларда таълим-тарбия, болаларнинг саломатлигига эътибор қандай? Уларга ҳамширалар бириктирилганми?

Тойлоқ тумани мактабгача таълим бўлими мудири ўринбосари Қодир Маматовнинг айтишича, оилавий боғчаларга яқин ҳудуддаги қишлоқ врачлик пунктидан ҳамширалар бириктирилган. Улар ҳар ҳафта келиб, болаларни умумий назоратдан ўтказиб кетади. Зарур ҳолатларда телефон орқали чақирилади. Аксарият оилавий боғчалардаги тарбиячи ёрдамчилари тиббиёт коллежини тугатган ёшлардан иборат. Бу ҳам оилавий боғчаларда болаларни доимий назорат қилиш учун қулай. Аммо...

Туманнинг чекка Хончорбоғ маҳалласида давлат мактабгача таълим ташкилоти йўқ. Ташаббускор тадбиркор томонидан 25 ўринли "Района" оилавий мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилган. Муассасада болаларнинг сифатли таълим-тарбия олиши учун замонавий шароитлар яратилган.

- Ўзим тиббиёт коллежини тугатганман, - дейди Вазира Ҳамроқулова. – Муассасада тарбиячи ёрдамчиси бўлиб ишлайман. Шу билан бирга эрталаб болаларнинг саломатлигини кўриб, тана ҳароратини ўлчайман. Агар уларда бирор шикоят бўлса, ҚВПдан бириктирилган ҳамширага телефон қилиб, чақираман. У киши ҳафтада бир бор келиб, тозалик, боғчанинг санитария ва болаларнинг умумий ҳолатини текшириб кетади.

Вазира опадан ҳамширанинг телефон рақамини сўраганимизда билмаслигини айтди. Қизиқ, ҳафта мобайнида болаларда бирор касаллик аниқланса, ҳамширага қай тарзда мурожаат қилинар экан?

Тадбиркор Дилафрўз Расулова томонидан очилган оилавий мактабгача таълим ташкилотида 25 нафар болажон тарбияланади. Боғчада яратилган шароитлар кўзни қувонтиради. Муассаса раҳбарининг айтишича, боғчага бириктирилган ҳамшира ҳафтада икки бор келиб болаларни тиббий кўрикдан ўтказиб кетар экан.

- Туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида ишлайман, - дейди ҳамшира Гавҳар Бойматова. – Ҳафтада икки бор ушбу оилавий боғчадаги болаларнинг умумий ҳолатини ўрганиб, дафтарга қайд этаман. Уларнинг тозалиги, тирноқларининг олинганлигини текшириб, тана ҳароратини ўлчайман. Фарзандим ушбу муассасада тарбияланади. Шунинг учун ҳар куни болаларни кўриб чиқаман. Агар бирор ўзгариш бўлса, дарҳол ота-онасига тушунтириб, боғчада қолмаслигини тайинлайман.

Тойлоқдаги оилавий боғчаларга борганимизда аксариятида тарбиячилар тиббий билимга эга ёки бириктирилган ҳамшираларнинг фарзандлари муассасада тарбияланаётган ҳолатни кузатдик. Бу яхши, албатта. Аммо барча оилавий боғчаларда аҳвол шундай дея олмаймиз. Шу билан бирга оилавий боғчаларда 25 нафар бола тарбиялангани учун уларда тарбиячи ва тарбиячи ёрдамчиси штат бирликлари мавжуд. Афсуски, ҳамшира штати йўқ.

Боғчада ҳамшира нафақат тарбияланувчиларнинг саломатлиги учун, балки муассасанинг тоза-озодалиги, санитария-гигиена ҳолати, болаларнинг соғлом овқатланиши учун ҳам масъул ҳисобланади. Шундай экан оилавий боғчаларда ҳам ҳамширалар назоратини кучайтириш лозим.

Насиба ЖОНТЎРАЕВА.

Муштарий фикри

Инсон ўзини англамоқ учун ҳар кун, ҳар лаҳзада виждон билан юзма-юз яшамоғи лозим.

Бекназар ОРЗИҚУЛОВ, Иштихон тумани.

Ҳисобини билмаган

ҳамёнидан айрилади, унинг бири икки бўлмайди

Халқимизнинг бу мақоли йиллар синовидан ўтган ва тўғри айтилган. Шунинг учун ҳам ҳар бир жамоада ҳисобчи бор. Аммо глобаллашган жамиятда бу ҳолат иқтисодиётни бошқаришда ожизлик қилиб қолди. Натижада эндиликда дунё ҳамжамияти «Рақамли иқтисодиёт»га ўтишни мақсад қўяпти. Зеро, давлатимиз раҳбари ҳам Олий Мажлисга Мурожаатида бу тизимга ўтиш мамлакатимизни тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқишини тушунтириб берди.

Ҳақиқатан бундай эътибор бермасак, битта пластик карточканинг ўзи қанчадан-қанча мушкулимизни осон қилди. Хариддан ташқари барча тўловларни шу орқали амалга оширяпмиз. Электрон имзо ҳам муносабатларда инқилоб бўлди, дейиш мумкин. Ҳозир электрон ҳисоблагичлар ўрнатиляпти, натижада товламачи «нозир»ларга ўрин қолмаяпти. Муҳими, газ, электр ва ичимлик сувини тежашни ўрганаяпмиз.

Айниқса, рақамли иқтисодиёт фермерларга жуда қўл келади. Томчилатиб суғориш тизими учун давлат катта маблағ ажратяпти. Ҳосил миқдори, даромад ва харажатларни компьютерга киритиш фермер маблағини адолатли назорат қилади. Буни ижтимоий соҳада, яъни пуллик хизматларда ҳам қўллаш керак. Уй-жой беришда онлайн хизмати ҳар хил «ўйинлар»нинг олдини олади, барча тармоқларда ойдинлик, ошкоралик ва адолатни таъминлайди.

«Рақамли иқтисодиёт» ҳисоб-китобларни аниқ киритиши баробарида бизни интизомга ўргатади. Жуда кўп чалкашликларда «инсон омили»га барҳам беради.

Президент Ш.Мирзиёевнинг бу ишлар учун шу йилнинг ўзида турли соҳаларда дастур яратиш мақсадида бир миллион нафар ёшларни жалб қилиш ташаббусини катта жасорат деб ҳисобладим. Ана шу дастурлар сафида мактабимизни битирган ёшларнинг ҳам бўлишини истайман. Бу ҳақда ўқувчиларга тушунча беряпман.

Яшириб нима қиламиз, ҳали кўп соҳада ҳисоб-китобда тартиб ва аниқлик йўқ. Даромадимиз ва харажатимизни таҳлил қилишни билмаймиз. Ана шундай пайтда «рақамли иқтисодиёт» бизга жуда катта ёрдам беради.

Зилола ХОЛМАМАТОВА, Пахтачи туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.

Ўқитувчиларнинг хабар беришича...

Дарс ўтишда ўқувчиларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириш мақсадида "Занжир", "Давом эттир", "Ақл-идрок" методи, "Топиб ўқи" машқлари, "Аквариум", "Қурувчи", "Сўзни топ" каби кўплаб таълимий ўйинлардан фойдаланаман.

Мисол учун, дарс мавзуси "Наврўз баҳор байрами" бўлса, шу мавзудаги ҳикояни "Давом эттир" ўйини орқали болалар навбати билан ўқиб беради. Бунда ўқувчилар тенгдошларини тинглашни ўрганади. "Сўзларни топ" ўйинида болалар гуруҳларга бўлиниб, Наврўзда тайёрланадигани таомларни, қилинадиган юмушларни бирма-бир айтади. Ўйин орқали болаларнинг мавзу доирасида билимлари мустаҳкамланади, ўз устида ишлайди, изланади. Уларнинг дарсдаги фаоллигини баҳолашда ҳам қийинчилик туғдирмайди.

Самара МАРДИЕВА, Пайариқ туманидаги 87-умумий ўрта таълим мактаби.

Самарқандда "Нірро-2020" халқаро инглиз тили олимпиадасининг илк саралаш босқичи бўлиб ўтди.

Танловда вилоятимиздаги умумтаълим мактабларидан 200 нафар ўқувчи иштирок этди. Уч босқичли олимпиаданинг сўнгги синови Италияда бўлиб ўтади.

Наргиза ТЎРАЕВА, Самарқанд шаҳар 42-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.

Яқинда Бобур ҳаёти билан боғлиқ «Ҳиди, тилими ва мазасидан...» ривоятини саҳналаштирдик. Ушбу жараёнда ўқувчилар фақатгина воқеанинг ривожига эътибор қаратмай, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, уларнинг руҳий ҳолатларини ҳам очиб беришга интилди.

Салима БЕККУЛОВА, Самарқанд шаҳар 57-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.

XX асрда Бобур шахси дунё шарқшунос олимлари диққат-эътиборини ўзига жалб этди. Инглиз шарқшуноси Монстюарт Элфистонинг "Бобурнома" асари ҳақида "Бу хотираларда у ўз замондошларининг қиёфалари, урф-одатлари ва интилишларини, қилиқларини ойнадек равшан тасвирлайди. Шу жиҳатдан бу асар Осиёда ягона чинакам тарихий тасвир намунасидир", деган.

Шоира МАМАТҚУЛОВА, Булунғур туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 14 402 нусхада чоп этилди. Буюртма 142

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Нашр люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: А.ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи: Ў.ХУДОЙБЕРДИЕВ.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009